

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САИТҚУЛОВ ҚОДИРАЛИ АБДИСАЛИМОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи;
12.00.14. – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Саиткулов Қодирали Абдисалимович

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик
профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш..... 3

Саиткулов Қодирали Абдисалимович

Совершенствование деятельности органов внутренних дел по
виктимологической профилактике правонарушений 25

Saitkulov Kodirali Abdisalimovich

Improving the activities of internal affairs bodies for victimological
prevention of offenses 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

САИТҚУЛОВ ҚОДИРАЛИ АБДИСАЛИМОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08. – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи;
12.00.14. – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини
таъминлаш. Пробация фаолияти**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyate:inost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Мухторов Жўрабек Сайидкулович
юридик фанлар номзоди, доцент

Юлдашев Джахонгир Хайитович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Ўразалиев Мурод Қораевич
юридик фанлар доктори, доцент

Каримов Хуршид Акрамович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Адлия вазирлиги хузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил 7 ноябрь соат 15:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (115 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 23 октябрда тарқатилди.

2020 йил 23 октябрдаги 24 рақамли расмий баённома.



А.С. Турсунов
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.Ш. Муродов
Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ғ. Кабулов
Илмий кенгаш хузурида тузилган Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобал муаммога айланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркобизнес, қурол-яроқ савдоси каби халқаро жиноятчиликнинг авж олиши натижасида миллионлаб фуқаролар жисмоний, маънавий-руҳий ва моддий жиҳатдан зарар кўрмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина одам савдоси бўйича ҳар йили дунё миқёсида 3 миллиондан ортиқ шахс жабрланувчига айланмоқда¹. Ушбу жиноятдан жабрланганларнинг 72 фоизини аёллар ва ёш қизлар ташкил этмоқда². 2017 йилда 464 минг киши қасддан ўлдирилган бўлиб, 100 минг нафар кишига 6,1 нафар жабрланувчи тўғри келади. Бу кўрсаткич Марказий Америкада 62 нафар, Жанубий Америкада 56,8 нафар ва Африкада 13 нафарга тўғри келади³. Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда⁴.

Жаҳонда шахсни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида виктимологик профилактиканинг самарадорлигини оширишга, уни ташкил этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда фуқаролар фаоллигини оширишга, қолаверса аҳоли ўртасида ўзларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш усул ва шакллари кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда давлат ва жамият манфаатлари, айниқса фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни турли тажовузлардан ҳимоя қилишга оид қонун нормалари талабларининг ижросини таъминлаш бўйича ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чораларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг самарадорлигини ошириш»⁵ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Шу боис, ички ишлар органлари мазкур йўналишдаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, соҳага замонавий илғор иш усул ва шакллари жорий этиш, ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Одам савдоси – аср муаммоси // [http:// muslim.uz/index.php/maqolalar/item1767-odam-savdosi-asr-muammosi/](http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item1767-odam-savdosi-asr-muammosi/) (мурожаат вақти: 20.05.2020).

² ООН: 72 процентов жертв торговли людьми женщины и девочки // <https://m.uz.sputniknews.rusociety/20190730/> (мурожаат вақти: 20.05.2020).

³ Последние годы жертв умышленных убийств в пять раз больше, чем погибших в ходе всех вооруженных конфликтов // <http://news.un.org/ru/story/2019/07/1358921> (мурожаат вақти: 21.09.2019).

⁴ <http://www.maailmakool.com> (мурожаат вақти: 21.09.2019).

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони 1-илоvasи 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 6. – 70-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (14.05.2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (02.09.2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (07.02.2017), ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (10.04.2017) фармонлари, ПҚ-2896-сон «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (18.04.2017), ПҚ-3827-сон «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (02.07.2018) қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олимлари томонидан жиноятларни олдини олишнинг виктимологик жиҳатлари (З.С.Зарипов), виктимологик профилактиканинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари (И.Исмаилов, Ж.С.Мухторов), мулкий турдаги (Р.Кабулов, Й.М.Карекетов, М.Усмоналиев), аёллар ўртасидаги (Қ.Р.Абдурасулова, А.Г.Зокирова), ҳаётга қарши (А.М.Мусаев), алкоғолизм, фоҳишаллик ва гиёҳвандлик билан боғлиқ (М.Қ.Ўразалиев, М.К.Утениязов), ноқонуний миграция, жумладан паспорт тизими соҳасидаги (Дж.Х.Юлдашев), ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги (А.К.Расулев) жиноятларнинг виктимологик жиҳатлари ва профилактикаси, оиладаги зўравонликнинг виктимологик профилактикаси (А.Ш.Муродов), ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг (С.Б.Хўжақулов) айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Алоҳида турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикасига оид масалалар С.С.Ниёзова («Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси») ва Ғ.Т.Абдуллаходжаевлар («Ўғрилиқ ва фирибгарликнинг олдини олишнинг виктимологик жиҳатлари») томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлар А.И.Алексеев, А.С.Антимонов, Ю.М.Антонян, Т.А.Аралакян, К.Н.Ахмедшина, А.А.Борисова, Н.И.Бумаженко, Т.П.Будякова, Т.В.Варчук, Н.В.Вишневецкий, К.В. Гаджиева А.А.Герасимов, С.И. Задорожный, В.И.Квашиш, А.К.Козубаев, В.Е.Ксеник, А.В.Майоров, А.А.Малыхина, Н.Х.Мафиулин, Е.Ю.Мошицкая, В.И.Полубинский, А.И.Папкин, В.Ривман, Е.В.Савиных, Ю.Л.Сивакова, А.Л.Ситковский, Н.В.Сплавская, А.Я.Сухарев,

А.С.Чумичкин, Е.Д.Якимова, Н.А.Цыркунлар¹ томонидан жиноятлар виктимологик профилактикасига оид тадқиқотлар ўтказилган. Мазкур муаллифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанининг ривожига муайян даражада ҳисса қўшганлар. Бироқ мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси, хусусан ички ишлар органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид алоҳида комплекс тадқиқот ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчасининг моҳиятини ўрганиш ва унинг муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси билан боғлиқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва илмий хулосаларни асослаш;

ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг назарий жиҳатларини ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш;

ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

ўрганилаётган мавзуга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, уларнинг ижобий жиҳатларини ички ишлар органларининг амалиётига жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини назарий, ташкилий-ҳуқуқий, методик таъминлашни ҳамда амалиётини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид фаолияти, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, шунингдек мазкур йўналишдаги илғор хорижий тажриба ҳамда юридик фандаги

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда мавзуга оид масалаларни ўрганишда анализ, синтез, дедукция, индукция, мантиқийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жинойт ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

амалдаги қонунчиликда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг мақоми ва мақсадини, шунингдек уларни тузиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасини белгилашнинг зарурати ҳамда афзалликлари асосланган;

ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишини тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари қаторига киритиш, шунингдек бундай тоифадаги шахсларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олишга доир яқка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш асосларини белгилашга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги исботланган;

қонун ҳужжатларида фуқароларни таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, жинойт ва маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга зарур ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширишни ички ишлар органларининг мажбурияти сифатида белгилаш зарурати асосланган;

ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритиш мақсадида уларнинг шахсига доир маълумотларни ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ҳисоб карточкалари орқали автоматлаштирилган маълумотлар базасига киритиш тартибини жорий этиш зарурати ва афзалликлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини турли ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган фуқароларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича мажбуриятни белгиловчи қонуннинг 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонунининг 16-моддасига киритилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган «Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича намунавий идоравий чора-тадбирлар дастури»нинг қабул қилиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларини акс эттирувчи илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар 2015-2019 йилларда республикада судларида кўрилган 331 та жинойт ишлари бўйича архив материаллари, 221 нафар профилактика инспекторлари, 5482 нафар фуқаролар ва турли ташкилотлар ходимлари (махалла, банк, соғлиқни сақлаш, прокуратура,

солиқ органлари ҳамда таълим муассасалари ходимлари) ўртасида ўтказилган социологик сўровлар натижалари ва қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган. Натижалар ҳуқуқни қўллаш амалиётига доир статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, хусусан ички ишлар органларининг виктимологик профилактик фаолиятини, шунингдек «Криминология», «Виктимология», «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Жиноят-процессуал ҳуқуқи» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси амалиёти самарадорлигини ошириш ҳамда мазкур соҳадаги ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

амалдаги қонунчиликда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг мақоми ва мақсадини, шунингдек уларни тузиш тартиби ва бундай ҳуқуққа эга субъектлар доирасини белгилашга оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон қонунининг 45-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 06/1-05/3291вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари тизимининг такомиллашувига хизмат қилган;

ҳуқуқбузарликдан жабрланган ёки жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишини тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи шахсларнинг ҳуқуқлари қаторига киритиш, бундай тоифадаги шахсларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир яқка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш асосларини белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-561-сон қонунининг 4 ва 19-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2020 йил 27 февралдаги 05/1-471 вх-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ички ишлар органлари томонидан оиладаги тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилган;

фуқароларни таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларга зарур ёрдам кўрсатиш чораларини амалга оширишни ички ишлар органларининг мажбурияти сифатида белгилашга оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон қонунининг 16 ва 28-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 06/1-05/3291 вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари томонидан аҳолини таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатишга доир чора-тадбирларни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисобини юритиш мақсадида уларнинг шахсига доир маълумотларни ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ҳисоб карточкалари орқали автоматлаштирилган маълумотлар базасига киритиш тартибини жорий этишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги 191-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 94 ва 95-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 25 мартдаги 26/766-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқотининг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 8 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та (шундан 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчасининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб, таҳлил қилинган.

Диссертант фикрича, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 43-моддасида берилган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир» деган таъриф тўлиқ ва мукамал эмас. Мазкур таъриф ички ишлар органларининг амалиётида виктимологик профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнини тўлиқ ўз ичига қамраб олмаганлиги, шунингдек бу соҳага оид айрим асосий тушунчаларни талқин қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид тушунчаларни назарий ва амалий жиҳатдан жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб илмий тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг мукамал таърифларини ишлаб чиқиш заруратини тақозо этмоқда.

Муаллиф томонидан ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчасини тадқиқ қилишда: а) алоҳида-алоҳида мазмун ва аҳамиятга эга бўлган, нафақат ҳуқуқ назарияси ва амалиётида, балки кўпгина фан соҳаларида кенг қўлланилиб келаётганлиги сабабли турли баҳс ҳамда мунозараларга сабаб бўлаётган «ҳуқуқбузарлик», «виктимология» ва «профилактика» атамалари; б) мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг мазкур масала бўйича фикр-мулоҳазалари, қарашлари; в) Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи қонунларидаги ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид нормалари илмий-қийёсий таҳлил қилиниши асосида назария ва қонунчиликдаги ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид тушунчаларнинг тўлиқ ва мукамал эмаслиги:

биринчидан, айрим таърифларда «жабрланувчи» ўрнига «қурбон» атамаси қўлланилган бўлиб, бу ўз навбатида назарияда турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши, чунки қурбон сўзи одатда «қурбонлик қилиш», «худога қурбонлик келтириш» маъноларини англатиши;

иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фақатгина маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олиш ҳамда жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштиришга қаратганлиги;

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фақатгина қонун билан белгиланган ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятдан иборат деган ҳолда субъектлар доираси чекланганлиги;

тўртинчидан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ҳамда ўзининг ижтимоий, биофизиологик, руҳий ва бошқа ҳолатларига кўра жабрланишга эҳтимоли юқори бўлган шахслар, шунингдек жабрланишни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳамда омиллар, ҳолатлар, вазиятлар ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объекти сифатида белгиланганлиги;

бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, виктимологик профилактикаси чора-тадбирларининг аксарият қисми маънавий-маърифий мазмунга эга эканлигининг инобатга олинганлиги билан асослантирилган.

Тадқиқотчи «Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси» тушунчасининг муаллифлик таърифини ишлаб чиқишда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ички ишлар органларининг асосий вазифаси бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, шунингдек, ушбу фаолиятнинг мақсади, вазифалари, объектлари, шунингдек уни бевосита амалга оширувчи субъектлар ваколатлари, улар томонидан қўлланиладиган виктимологик чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти бўйича тадқиқот натижалари инобатга олинган. Мазкур таърифни социологик сўровда жалб этилганларнинг 78 фоизи маъқуллаган.

Диссертацияда «ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг *мақсадига* – фуқароларнинг, айниқса улар орасида жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, уларни ҳар қандай хавф тўғрисида огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш сабаб-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш орқали жабрланиш хавфини олдини олиш, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш орқали фуқароларнинг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш ҳамда хавфсизликни таъминлашдир» деб асослантирилган таъриф берилган.

Мазкур мақсадни тўлиқ амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонундаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг вазифалари (4-модда), ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ваколатлари (10-модда), шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олишга қаратилган қонунни қўллаш амалиёти таҳлили натижалари асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг вазифалари аниқлаштирилган ва илмий асослантирилган.

Тадқиқотчининг фикрича, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида

«...жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш» каби долзарб вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тизимда амалга оширилган туб ислохотлар натижаларига асосланган ҳолда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасида иштирок этувчи бўлинмаларини уларнинг қонунда белгиланган фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда: а) бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи; б) ташкилий-ҳуқуқий таъминлашни амалга оширувчи; в) кадрлар билан ва моддий-техник жиҳатдан таъминловчи; г) назарий ва методик жиҳатдан таъминловчи гуруҳларга ажратиб таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Диссертант томонидан таҳлилларга асосланган ҳолда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолияти объектлари: а) аҳоли, унинг алоҳида гуруҳлари ва муайян шахсларда виктимлик (ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини тақозо этувчи хусусиятлар)ни шакллантирувчи омиллар; б) ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ва муайян вазиятларда жабрланувчига айланиши мумкин бўлган аҳоли тоифалари, гуруҳлар ва шахслар; в) ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга ажратиб таснифланган.

Муаллиф ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси объектлари: *биринчидан*, хилма-хил, мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади; *иккинчидан*, ўзгарувчан, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ва маъмурий ҳудудлардаги жараёнлар таъсирида кўпайиши ёки камайиши мумкин; *учинчидан*, жамиятда очиклик ва жамоатчилик назорати кучайган шароитда уларга бўлган эътибор ҳам ошиб боради деган хулосага келган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, *биринчидан*, жамиятда инсон ҳуқуқларини ва қонун устуворлигини таъминлашга бўлган талабнинг кучайиб бориши, *иккинчидан*, унинг очик ва шаффоф олиб борилишига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши, *учинчидан*, виктимологик профилактик чора-тадбирларни умумий, махсус, яқка тартибдаги профилактик таъсир билан уйғунликда амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлиши асослантирилган.

Диссертацияда ҳар бир даврдаги ислохотлар барча соҳаларда, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан виктимологик профилактиканинг ҳам ўзига хос хусусиятларини шакллантиради, деган хулосага келиб, мазкур хусусиятларда фаолиятнинг мақсад ва вазифалари, объект ҳамда субъектлари, чора-тадбирлари билан боғлиқликни ҳисобга олиш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг бугунги ҳолати таҳлили**»га бағишланган бўлиб, унда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини назарий, ташкилий, ҳуқуқий, методик таъминлаш ва соҳадаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи тадқиқ этилган.

Тадқиқотда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини самарали ташкил этиш бевосита ушбу фаолиятни назарий, ташкилий, ҳуқуқий ва методик жиҳатдан тизимли равишда таъминланишини

талаб қилиши, бу жараёнлар бир-бири билан алоқадорликда ривожланиши, шунингдек, уларнинг бирида вужудга келган муаммолар, албатта, бошқаларида ҳам муаммоларни келтириб чиқариши, бу эса ўз вақтида мазкур масалаларни комплекс тадқиқ этиш ва аниқланган муаммоларни бир вақтда ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши лозимлиги асослантирилган.

Диссертант томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари занжирида кўпинча жабрланувчи хулқ-атворидаги иғво қилувчи (провакация) омиллар сабаб бўлиши ҳамда уларнинг жиноятнинг тури, содир этиш усули, вақти, жойи ва бошқа жиҳатларига кўра бир-биридан фарқ қилиши асослантирилган. Тадқиқотда: қасддан одам ўлдиришда жабрланувчининг спиртли ичимликка ружу қўйганлиги (43 фоиз), жисмоний ожизлиги (12 фоиз), ахлоқсизлиги (23 фоиз), жиноятчи билан ўзаро муносабатларнинг салбий эканлиги (10 фоиз); босқинчилик содир этилишида жабрланувчининг ўз бойлигини кўз-кўз қилиши (48 фоиз), жисмоний ожизлиги ва ёлғизлиги (14 фоиз), ахлоқсизлиги (5 фоиз); фирибгарлик содир этилишида жабрланувчининг ишонувчанлиги (77 фоиз), тадбиркорликдаги таваккалчилиги (21 фоиз); ўғрилик содир этилишида жабрланувчиларнинг мулкни очик қолдиришга одатланганлиги (22 фоиз), хонадонларнинг қўриқлаш пультага улаш бўйича тавсияларга амал қилмаслиги (27 фоиз); номусга тегишда жабрланувчиларнинг ожизлиги (42 фоиз), ахлоқсизлиги (30 фоиз), ишонувчанлиги ва соддалиги (28 фоиз); қасддан тан жароҳати етказишда жабрланувчиларнинг тарбиясидаги камчиликлар (40 фоиз), ҳуқуқбузар билан ўзаро муносабатининг носамимийлиги (19 фоиз), шаъни ва қадр-қимматининг камситилиши (10 фоиз), оилавий маиший низоларга ўзининг салбий ҳаракатлари билан (45 фоиз) жабрланувчиларнинг иғво қилувчи хулқ-атвори ёки ҳаракатсизлиги жиноий қилмиш содир этилишига туртки берганлиги аниқланган.

Муаллиф томонидан криминология ва виктимология таълимотларига, шунингдек ички ишлар органлари тизимини, унинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ташкилий чора-тадбирлар таҳлили натижаларига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини назарий ва ташкилий таъминлашни тадқиқ қилиш модели ишлаб чиқилган.

Муаллиф ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини назарий ва ташкилий таъминлаш нуқтаи назаридан: а) барча даражадаги муҳит муносабатларини; б) криминоген ва виктимоген омилларни; в) уларнинг аҳолига таъсири оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир этишга ёки улардан жабрланишга мойилликни тақозо этувчи хусусиятларнинг шаклланишини тадқиқ қилишда, *биринчидан*, криминологик ва виктимологик таълимотларга, *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жумладан виктимологик профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи ички ишлар органлари соҳавий хизматлари фаолияти таҳлили натижаларига асосланиш зарур, деган хулосага келган.

Диссертацияда глобаллашув ва жадаллашув жараёнларининг жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсири кучайиб бораётган бир шароитда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий ва методик таъминланиши унинг самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади деган хулосага келинган.

Тадқиқотда суд-ҳуқуқ, хусусан ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар, қолаверса ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий таъминланишини шартли равишда: а) 1991–1998 йиллар; б) 1999–2009 йиллар; в) 2010–2016 йиллар; г) 2017 йилдан кейинги даврларни ўз ичига олган тўрт босқичга ажратилган. Ушбу даврларда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда виктимологик профилактика чора-тадбирларини қўллаш фаолиятини ҳуқуқий ва методик таъминлаш соҳасидаги муаммолар аниқланган ва таҳлил қилинган. Терроризмнинг, одам савдосининг, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни ҳуқуқий таъминлаш, коррупция ва экстремизмнинг виктимологик профилактикасини ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини методик таъминлашдаги муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар асослантилган.

Мазкур муаммоларни бартараф этишда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича ҳамкорлиги, *биринчидан*, виктимологик профилактика чора-тадбирларини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар ўртасида мазкур фаолиятни олиб бориш учун зарур бўлган ахборотларнинг ўзаро алмашуви, *иккинчидан* виктимологик профилактика чора-тадбирларини амалда қўллаш учун биргаликда тайёргарлик кўриш ва ўтказиш орқали таъминланмоқда.

Тадқиқотчи фикрича, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, тадқиқотлар натижаларига, шунингдек ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича ишлаб чиқилган моделнинг асосий қоидаларига таянган ҳолда ички ишлар органларининг бу соҳадаги ҳамкорлигини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

а) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иштирок этувчи соҳавий хизматлар ўртасидаги идоравий (ички) ҳамкорлик;

б) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда муассасалари билан идоралараро (ташқи) ҳамкорлик;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролар билан ижтимоий шерикчилик;

г) хорижий давлатлар полиция хизматлари билан халқаро миқёсдаги ҳамкорлик.

Диссертант фикрича, мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус ва якка тартибдаги чора-тадбирлари нафақат ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ҳамда ҳуқуқбузарликни содир этишга мойил шахсларни, балки ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш, унинг сабаб ва шароитлари, жабрланишга мойил ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган тоифадаги шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ҳам йўналтирилиши керак. Шунинг учун ҳам жамият эҳтиёжи ва талаблари ички ишлар органларининг идоравий, идоралараро, халқаро ҳамкорликда ва ижтимоий шерикликда виқтимологик профилактика чора-тадбирларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус ва якка тартибдаги чора-тадбирлари билан уйғунликда амалга оширишларини тақозо этмоқда.

Мазкур қараш расмий статистик маълумотлар асосида далиллашга ҳаракат қилинган. Жумладан, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасини ташкил этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларига асосан, 2019 йилнинг декабрь ҳолатига кўра, республикада рўйхатга олинган ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолиш эҳтимолида бўлган шахслар сони 31 минг 565 (2018 й. 35 минг 205) нафарни, ғайриижтимоий хулқ-атвор тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир этиладиган жойлар сони 16 минг 958 (2018 й. 7 минг 430) тани ташкил этган¹.

Муаллиф томонидан талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикаси чора-тадбирларини ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, якка тартибдаги чора-тадбирлари билан уйғунликда амалга ошириладиган йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан виқтимологик профилактикаси чора-тадбирларини ҳамкорликда амалга оширишнинг аксарият йўналишлари бўйича ташаббускорлик учун масъуллик ва унинг ижросини таъминлаш талаблари, шунингдек уларни қўллаш механизмлари аниқ ҳамда тўлиқ ишламаётганлиги бу соҳадаги фаолиятни самарали ташкил этиш имконини бермаяпти.

Бундан ташқари, қонуности ҳужжатларда ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида ўзаро ахборот алмашинув тартиби белгилаб берилган бўлса-да, бироқ ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланишни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар тўғрисида хабар бериш тартибга солинмаган.

Муаллиф ушбу хулосаларга асосланган ҳолда ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ички идоравий ҳамкорлиги, уларнинг хорижий давлатлар полиция хизматлари билан виқтимологик профилактика чора-тадбирларини

¹ <https://stat.uz/uz/520-ofytsyalnaia-statistika-uz/huquqbuzarlik-profilaktikasi/2729-huquqbuzarlik-profilaktikasi>.

амалга ошириш юзасидан халқаро ҳамкорлиги соҳасидаги муаммоларни тадқиқ этган ҳамда уларни бартараф этиш бўйича хулоса ва амалий тавсиялар берган.

Шунингдек, тадқиқот ишида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактика чора-тадбирларини уйғунликда ва ҳамкорликда амалга ошириш зарурлиги, мазкур ҳамкорликни самарали таъминлаш диссертант ишлаб чиққан махсус моделга мувофиқ амалга оширилишининг самаралироқ эканлиги асослантирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига оид фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари**» деб номланган бўлиб, унда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятига оид айрим хорижий давлатлар (Германия, Англия, АҚШ, Канада, Россия, Қозоғистон, Япония, Исроил) тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштиришга доир илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида айрим давлатларда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг назарий муаммолари билан бирга ушбу йўналишнинг амалий жиҳатлари ҳамда уларни такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқотлар нисбатан ривожланган, деган хулосага келган. Изланиш натижаларига асосланган ҳолда виктимологик профилактика бўйича хорижий давлатларнинг бу борадаги амалиётини мамлакатимиз ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятига жорий этиш зарурлиги амалий мисоллар билан асосланган. Масалан, Германияда жиноятдан жабрланганларга ёрдам берувчи жамоат бирлашмаси («Белое кольцо»)нинг бугунги кунда 3 мингдан ортиқ ўз хоҳишига кўра кўмак берувчи ёрдамчилари, 400 дан ортиқ филиаллари, 60 мингга яқин аъзолари бўлиб, жабрланганларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича ҳар қандай, жумладан, сиёсий, ҳуқуқий, бошқарув соҳасидаги ва бошқа саволларга жавоб беради, шунингдек улар жиноятдан жабрланганларга давлат томонидан берилиши лозим бўлган компенсациялар билан боғлиқ муаммоларга ҳам аралашади ва жабрланувчилар фойдасига ҳал қилади.

Диссертант томонидан хорижий давлатларнинг алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича «махсусллаштирилган дастурлар»ни ишлаб чиқиш, жиноятдан жабр кўрган шахсларга етказилган зарарни қоплаш бўйича «компенсация» тизими жорий этиш, фуқароларга ўзини ўзи ҳимоя қилиш усуллариини ўргатишга қаратилган «Амалий виктимология» курсларини жорий этиш, жиноятдан жабрланган шахсларга ёрдам берувчи «кўнгиллилар уюшмалари»ни ташкил этиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланиш сабаблари ва шароитларини мониторинг қилиб бориш амалиётини жорий этиш, фуқароларнинг мол-мулкни барча турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг усуллари ҳақида аҳоли билан мунтазам маслаҳатлашувларни амалга ошириш, мазкур фаолиятга жамоатчиликни жалб этиш каби тажрибаларини ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси амалиётига кенг жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар асослантирилган.

Диссертация тадқиқоти доирасида ишлаб чиқилган ва асослантирилган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини назарий, ташкилий, ҳуқуқий ва методологик таъминлаш моделлари ҳамда уларнинг қоидалари, шунингдек мазкур соҳанинг бугунги ҳолати таҳлили натижаларига асосланган ҳолда ички ишлар органларининг асосий йўналишлари бўйича ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини самарали ташкил этишнинг назарий, ташкилий, ҳуқуқий механизмлари ва амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф тадқиқот ишида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини тартибга солишда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни таҳлил қилиб, уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят-процессуал кодексларини, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар берган.

Ишда тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда жабрланувчиларнинг муайян сабабга кўра жиноят ҳақида тегишли органга мурожаат этмаслиги (коррупция, фирибгарлик, безорилик, майда безорилик, ҳақорат ва шу каби ҳуқуқбузарликларда) латентликни юзага келтиради, жиноятчининг қонунга ҳилоф ҳаракатларини фаоллаштиради деган хулосага келинган. Ушбу хулоса ўтказилган социологик сўров натижалари билан асослантирилган. Жумладан, «Нима сабабдан фирибгарликдан жабр кўрганингиз тўғрисида зудлик билан ваколатли органга хабар бермагансиз?» деган саволга иштирокчиларнинг 12 фоизи – айбдор мени ҳар доим ишонтириб келган; 22 фоизи – кўпроқ ўзим манфаатдор бўлганман; 18 фоизи – фирибгарга ўз хоҳишим билан мурожаат қилганман; 16 фоизи – виждоним йўл қўймаган; 19 фоизи – ишим ҳал бўлишини жуда истаганман; 13 фоизи – агар бирон жойга мурожаат қилсам пулимдан айрилиб қолишим мумкинлиги билан кўрқитганлиги сабабли дея жавоб беришган. Юқоридаги асосларга кўра, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёки жабрланган шахсларни аниқлашда ваколатли субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, ўрганилаётган объектга нисбатан комплекс ёндашишни назарда тутувчи махсус модель ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш, аввало, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни ўз вақтида аниқлашни, уларни ҳуқуқбузарликдан жабрланишини барвақт олдини олишни, жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, жабрланувчиларга етказилган зарарни аниқлаш ҳамда бартараф этишни, жабрланувчиларнинг ҳисобини юритишни, профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда шахсга хос бўлган индивидуал хусусиятларни таҳлил этишни, объектив ва

субъектив хусусиятли виктим омилларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишни жадаллаштиришга хизмат қилади деган хулосага келинган.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси»да ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш устувор йўналишида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳамкорликнинг самарали усуллари излаб топиш, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳисобини юритиш, ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг индивидуал, ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларга нисбатан расмий огоҳлантиришни қўллаш, ҳуқуқбузарликдан жабрланишга сабаб бўлувчи низоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ижтимоий реабилитациясини ҳамда ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш, жабрланувчиларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгича механизм (ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ёхуд жабрланган шахсларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлаш)лар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш тавсия этилган.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар уларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги: а) назарий билимларни бойитишга; б) ҳуқуқий бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этишга; в) ташкилий-методик таъминлашга; г) амалиёт самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи гуруҳларга ажратилган ҳолда тақдим этилди.

І. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига доир назарий қарашлар ва билимларни бойитишга хизмат қилувчи илмий хулосалар:

